

Тузувчилар:

Саиджалилова Д.Д. ТТА, 1-сонли Акушерлик ва гинекология кафедраси профессори, т.ф.д.

Юлдашева Д.Ю. ТТА, 2-сонли Акушерлик ва гинекология кафедраси доценти, т.ф.д.

Муминова З.А. ТТА, 1-сонли Акушерлик ва гинекология кафедраси доценти, т.ф.д.

Тақризчилар:

Аюпова Ф.М. ТТА, 1-сонли Акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Каттаходжаева М.Х. Тошкент Давлат стоматология институти хирургик йўналишлар кафедраси профессори, т.ф.д.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил "29 июл" даги "18"-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2020 йил "25"августдаги "2"-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил "8 сентябр"даги 236 -сонли буйруғининг 6 -иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

2. "Benson&Pernoll's handbook of Obstetrics & Gynecology" Martin L., Pernoll M.D., 2011.
3. "Obstetrics and Gynaecology" Joan Pitkin, Alison B. Peattie, Brian A. Magowan, 2013.
4. The Johns Hopkins Manual of Gynecology and Obstetrics^{1st} Editors: Nicholas CLam-brouc, Abraham N. Morse, Edward E. Wallach, Lippincott, Williams & Wilkins, 2011.
5. Ю.К. Джабарова, Ф.М. Аюпова. Акушерлик. Ташкент, 2013.-324с.
6. Критические состояния в акушерстве и гинекологии. Руководство для врачей. Ташкент, 2015.- 132с.

5.2.Кўшимча адабийётлар:

7. Национальный стандарт по повышению качества оказания перинатальной помощи в родовспомогательных учреждениях системы здравоохранения Республики Узбекистан. Ташкент, 2015. 136с.
8. Акушерство и гинекология. Практические навыки и умения с фантомным курсом: учеб. Пособие, 2018.
9. Акушерство и гинекология. Под редакцией Г.М. Савельевой М. 2009
- 10.Передовые практики в акушерстве и гинекологии. Руководство. Д.К. Нажмутдинова с соавт. Ташкент, 2017.500с
- 11.Неотложная помощь в акушерской практике. Пакет учебных материалов по ИВБР. USAID, Проект Здоровая Семья. Ташкент. - 2014.-209с.
- 12.Предупреждение трансмиссий ВИЧ от матери ребенку (учебное пособие для акушер- гинекологов, неонатологов, педиатров, инфекционистов, семейных врачей, организаторов здравоохранения, врачей-интернов и студентов), Украина. UNICEF, 2013.-268с.

5.3.Интернет сайтлари

13. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
14. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
15. www.tma.uz.
16. www.med-info.ru
17. www.rosmedlib.ru
18. www.pubmed.com
19. www.ziyounet.uz
20. www.medlinks.ru

- модулнинг (фаннинг) бўлимлари ёки мавзулари устида махус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлар ва маърузалар қилиш;
- вазиятчи ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятчи масалалар ечиш ва тайёрлаш;
- CASE (real клиник вазиятлар ва клиник вазиятчи масалалар асосида case-study) ечиш;
- моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш, организаёрлар тузиш, тестлар тайёрлаш ва ҳ.к.

Малакавий амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Малакавий амалиёт даврида магистратура талабаси кунма-кун томонидан ҳар бир амалиёт куни даврида бажарилган ишлар ҳажми баҳоланади ва кундалик имзоланади.

Малакавий амалиёт журналидаги маълумотлар талабанинг амалий кўникмаларга эга бўлганлик даражаси ҳақида маълумот беради.

Малакавий амалиёт тугатгандан сўнг малакавий амалиёт журнали охирида амалиётга жавобгар шахс томонидан талабанинг иши баҳоланади ва унга тавсифнома ёзилади, у муассаса муҳри билан тасдиқланади ва малакавий амалиёт журнали топширилади. Агар бажарилган ишни ифода этган кундалик топширилмаса, амалиёт ўтилмаган деб ҳисобланади.

Малакавий амалиётни якуний баҳоланишни тузилган комиссия амалга оширади. Комиссия аъзолари ОТМ ректори томонидан буйруқ асосида тузилади.

Малакавий амалиётнинг якуний баҳолаш натижалари комиссия томонидан қайднома варақасига киритилади ва дастур директори томонидан рейтинг дафтарчасига тўлдирилади. Малакавий амалиёт дастурини (сабабли, сабабсиз) бажармаган талабалар якуний баҳолашга киритилмайди ва академик қарздор талаба сифатида муаммолари магистратура бўлими ва ректорат томонидан кўриб чиқилади ва индивидуал қарор қабул қилинади (расмийлаштирилади).

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

5.1. Асосий адабиётлар

1. Акушерство: учебник / Г.М. Савельева, Р.И. Шалина, Л.Г. Сичинава, О.Б. Панина, М.А. Курцер - 2-е изд.-перераб. и доп. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018. - 576 с.: ил. NF000892.

1. Ўқув модулнинг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсадларидан бири табиётда ҳар томонлама камол топган юқсақ маънавиятчи шахсни тарбиялаб етиштириш, унинг илмий дунёқарашини шакллантиришдир. Мазкур модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва магистратура SA510101 - акушерлик ва гинекология йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган.

Акушерлик модули - замонавий табиий ва педагогик технологияларни ўқитиш жараёнига тadbик этган ҳолда, клиник табиётчи асосий қисмларидан бири бўлиб, замон талабларига жавоб берувчи аёлларга табиий ёрдам кўламини оширишнинг асоси ҳисобланади.

Акушерлик илмий ва тажрибавий йўналиши физиологик ва патологик ҳомиладорлик ва туғруқни, ҳомиладорлик давридаги патологик ҳолатларни аниқлашни, замонавий табиётчи улкан ютуқларига асосланиб даволашни ва профилактика чора тadbирларини ўрганишни камраб олиб, бўлғуси акушер-гинеколог мутахассисда Соғлиқни Сақлаш тизимининг барча бўғинида клиник жиҳатдан ташхислаш, юқори малакали табиий ёрдам кўрсатида ҳамда доимий даволаш ва профилактика чора-tadbирларини ўтказиш учун замин яратиб беради. Замонавий глобал жамиятда оналик ва болаликни аҳамияти бекиёсдир. Тугилиш суръатлари, она ва бола касалланиш кўрсаткичлари ҳар қандай мамлакатнинг муҳум ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва цивилизация бош кўрсаткичи ҳисобланади.

Акушерлик модули мутахассислик блокига киритилган модул ҳисобланиб, магистратуранинг 1 ва 3 курсларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Мутахассислик бўйича назарий ўқитиш семинар машғулотлари тарзида ўтказилади. Амалий ўқитиш (магистрлик амалиёти) акушерлик комплексларда ҳомиладорлик патологияси ва туғруқ бўлимларида ўтказилиб, бу ерда магистрлар ҳар бир ротагага тегишли амалий кўникмалар рўйхати, кўра беморларни курация қиладилар, қўшимча текширишлар натижаларини мустақил интерпретация қиладилар, даволаш диагностика муолажаларини амалга оширадилар ва физиологик, патологик ва оператив туғруқни олиб борадилар.

2. Ўқув модулнинг мақсади ва вазифаси

- 2.1. *Модулнинг мақсади* – замонавий акушерлик амалиётида керакли ҳажмдаги билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.
- 2.2. *Модулнинг вазифалари:* акушерликга оид назарий билимларга, амалий кўникмаларга, услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантиришга ўргатиш.
- 2.3. *Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:*
Талаба:

акушерлик тактикаси;

- йўлдошнинг бирикши нуқсонларини (йўлдошнинг каттик бирикши ва ўсиб киришининг) клиникаси, ташхислаш ва акушерлик тактикасини,
- йўлдош қисмлари ушланиб қолиши ёки ажралган йўлдошнинг қисилиб қолишининг клиникаси, ташхислаш ва даволаш тактикасини;
- атоник қон кетишининг клиникаси, ташхислаш ва даволашни;
- ташқи жинсий аъзолар, ораллик, кин ва бачадон бўйни жароҳатининг сабаблари, ташхислаш ва даволашни, бачадон ёрилишининг сабаблари, ташхислаш, кийсый ташхислаш, жаррохлик усули билан даволаш ва профилактикасини;
- бачадон ташқарига чиқиши сабаблари, даволашни;
- симфиз очилиши ва ёрилиши клиникаси, ташхислаш ва даволашни;
- акушерлик окмалари: этиопатогенез, ташхислаш ва даволаш, профилактикаси;
- геморрагик шокнинг этиопатогенези, босқичлари, ташхислашни, даволашни;
- тарқалган томирчи қон ивиш (ТТИҚИ) синдром ривожланиш сабаблари ва механизминин, ўткир ТТИҚИ-синдром кечishi таснифи, клиникаси, ташхислаш, даволашни, ТТИҚИ-синдром сурункали турларини ташхислаш ва даволашни;
- туғруқда кўп қон йўқотган аёлларда тромботпатияни олдиндан баҳолашни;
- муддатдан ўтган ҳомиладорликни сабаблари, ташхислаш ва даволашни;
- индучирланган туғруққа она ва ҳомила томонидан кўрсатмалар, туғруқни кўзатиш муддати ва усулини; индучирланган туғруқни олиб бориш тактикасини, оғриқсизлантириш усулини, антенатал ҳомила ўлимида индучирланган туғруқни олиб бориш тактикасини;
- замонавий акушерликда тор чанок, туғруқдаги ҳомила боши ва она чаногини диспропорцияни ташхислашни, туғруқни олиб боришни, асоратларини;
- прелиминар давр, ташхислаш усуллари, прелиминар даврда ҳомиладорни олиб бориш тактикасини;
- туғруқ фаолияти нуқсон таснифи, унинг сабаблари, клиникаси ва ҳар хил турдаги туғруқ нуқсонларида туғруқни олиб бориш тактикасини, туғруқни бошқаришда кўлланиладиган воситаларнинг фармакодинамикаси ва фармакокинетикасини;
- кўп ҳомиладорликда, ҳомиланing кўндаланг ва кийшик жойлашинида, ҳомиладорликнинг кечishi ва туғруқни;
- кўпсувlilik ва камсувlilikда, бачадон чандиғида, йирик ҳомилада, киндик тизимчасининг тушишида, жинсий аъзолар патологик ўзгаришида, елқалар дистопиясида, ҳомила антенатал ўлимида ва бошқа асоратли омилларда ҳомиладорликнинг кечishi ва туғруқни олиб боришни;
- қотонок сувлари билан эмболияси ва ўпка артерияси тромбоземболияси сабаблари, клиникаси, ташхислаш ва даволашни;

-НЖЙБҚда ҳомиладорликни олиб бориш ва жаррохлик усули билан даволаш;

- туғруқдан кейинги қон кетишини босқичма-босқич тўхтатиш;
- туғруқ йўлларини юмшок туқималарини тикиши;
- туғруқдаги диспропорция ҳолатларини аниқлаш ва олиб бориш;
- кўпсувlilik ва камсувlilikда, йирик ҳомилада, киндик тизимчасининг тушишида, жинсий аъзолар патологик ўзгаришида, бачадон чандиғида, муддатдан ўтган ҳомиладорликда, биринчи туғрувчи аёлларда йирик ҳомила ва бошқа асоратли омилларда туғдириш;
- ташқи акушерлик кўригини ўтказиш;
- Леопольд-Левинский усулини кўллаш;
- ҳомиладорлик муддатини аниқлаш;
- туғруқ муддатини ва ҳомила вазнини аниқлаш;
- кўзгуларда кўрик, бимануал кўришни ўтказиш;
- йўлдошдан кейинги контрацепцияни кўллаш;
- ихтиётрий жаррохлик стерилизацияси (ИЖС) амалиётини бажариш.

13. Перинатал ёрдам.

Ротация мақсади: Чақалок реанимацияси, олиб боришининг умумий принциплари, парваришлаш ва олиб боришгочора-тадбирларини кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба кўйидигиларни бажара олиши зарур:

- чақалок ҳолатига тезкор баҳо бериш;
- чақалок реанимацияси ўтказиш;
- кам вазли чақалокларни парваришлаш;
- туғруқ травммаларини ташхислаш ва тезкор терапия ўтказиш;
- чақалоклар бактериал инфекциясини ташхислаш ва тезкор терапия ўтказиш.

Модул давомида ўқув (клиник) амалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Назарий машғулотларда олган билим ва кўникмаларни беморларни қабул қилиш, куриш, кузатиш ва олиб бориш орқали мустаҳкамлайдилар ҳамда янада бойитадилар. Бунга модераторлар, тренерлар, шифокорлар бошчилигида тиббий ёрдам кўрсатиш ва мустақил ишлаш йўли билан эришилади. Шунингдек, дарслик ва ўқув кўлланималар асосида магистратура талабалари билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, беморлар билан ишлаш, вазиятли масалалар ечиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали магистратура талабаси билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куруллар тайёрлаш, қонун ва мейёрий ҳужжатлардан фойдалана билиш ва бошқалар тавсия этилади.

Ротация мақсади: Хомиладорликда, туғрукда ва бошка вазиятларда асоратлари бўлган аёлларни реанимация ва интенсив даволаш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба кўйдагиларни бажара олиши зарур:

- оғир преэклампсия, эклампсия ва унинг асоратларини интенсив даволаш;
- асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш;
- туғрукдан кейинги кон кетишини босқичма-босқич тўхтатиш (корин аортасини босиш, бачадонни икки қўл билан компрессияси, 3 жуфт кон томирларини боғлаш, ампутация, экстирпация);
- кетган кон микдорини аниқлаш;
- геморрагик шокка қарши курашиш;
- ТТИҚИ-синдромини профилактикаси ва даволаш;
- гемотрансфузияни ўтказиш;
- шойилинч ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш.

11. Аёлларни туғрукка тайёрлаш мезони

Ротация мақсади: Хомиладорларни туғрукка тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба кўйдагиларни бажара олиши зарур:

- она ва хомила кўрсатмаларига асосан ҳар хил усуллар билан туғрукни индукциялаш ва индуцирланган ва программалаштирилган туғрукни олиб бориш.

12. Стационар бўлим.

Ротация мақсади: Физиологик ва патологик хомиладорликнинг, туғрукнинг ташхислаш, олиб бориш усуллари ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба кўйдагиларни бажара олиши зарур:

- хомиладорлик ва фетоплацентар тизим ҳолатини ташхислаш;
- хомиладорлар қусишини даволаш ва профилактикаси;
- кольпоцитологияни бажариш;
- иммунологик текшириш;
- физиологик туғрукнинг ташхислаш, олиб бориш усуллари ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш;
- туғрукнинг бошланишини ташхислаш, унинг клиник кечиши, туғрукни замонавий олиб бориш ва огриксизлантириш;
- бачадон бўйинни стиланлик даражасини аниқлаш;
- нормал туғрукни олиб бориш;
- партограммани тўлдириш;
- чакалок ҳолатини Апгар шкаласи бўйича баҳолаш;
- туғрукнинг III даврини фаол олиб бориш;
- туғрукдан кейинги даврини олиб бориш;
- йўлдош олдда келишини ташхислаш, олиб бориш ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш;

- акушерлик қисқичлари, вакуум-экстракция, хомилани чаноғидан экстракция қилиш жарроҳлигига кўрсатмани, жарроҳликдан кейинги даврини олиб боришни;

- кесар кесиш жарроҳлигига кўрсатма, операциядан кейинги даврни олиб бориш, асоратларни;

- туғрукдан кейинги септик касалликлар локал шаклларнинг этиопатогенези, клиник турлари, ташхислаш ва даволаш, мастит ва унинг профилактикасини, туғрукдан кейинги септик касалликларнинг генераллашган шакллари, кесар кесишдан кейинги акушерлик перитонити, сепсис ва токсик шокнинг этиопатогенези, клиник кечиши, ташхис, даволаш, профилактикасини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- анамнез йиғиш, ташқи акушерлик кўрикни ўтказиш;

- гормонал, иммунологик текширувлар ўтказиш;

- тиббий — генетик консултация ўтказиш;

- хомила ҳолатини ташхислаш, хомиланинг юрак фаолиятини баҳолаш;

- хомиладорлик ва туғрукнинг муддатини аниқлаш;

- хомиладорлик ва фетоплацентар тизим ҳолатини ташхислаш;

- ультратовуш сканирлаш, хомилани биофизик ҳолатини аниқлаш;

- кольпоцитологияни бажариш;

- коғоноқ сувишни текшириш (амниоскопия, амниоцентез);

- хомиладорлар қусишини даволаш ва профилактикаси олиб бориш;

- гипертензив бузилишларни ва унинг асоратларини интенсив даволаш;

- эклампсияда биринчи ёрдамни ўтказиш, асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш;

- бачадон бўйинни стиланлик даражасини аниқлаш (Бяшоп шкаласи);

- туғрукнинг бошланишини ташхислаш, унинг клиник кечиши, туғрукни замонавий олиб бориш ва огриксизлантириш;

- боши ва чаноғи билан келганда туғрукни олиб бориш ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш, партограмма тўлдириш,

- туғрукнинг III даврини фаол олиб бориш, йўлдош бутунлигини аниқлаш;

- хомила чаноғи билан келганда куйидаги (Цовьянов, Ловсет, Морис-

- Смелли-Вейт, классик) кўникмалар бажариш;

- бачадон бўйинни кўзгуларда текшириш, туғрук йўлларини юмшоқ

- туқималарини текшириш, бимануал текширув ўтказиш;

- бачадон бўйни, кин ва оралик жарроҳатларини тикшиш;

- постплацентар бачадон ичи воситасини (БИБ) кўйиш;

- гематома очиш амалиётини бажариш;

- чакалокни Апгар шкаласи бўйича баҳолаш, иссиқлик занжирини

- сақлашни таъминлаб бериш, чакалок реанимациясини ўтказиш;

- эпизиотомия, эпизиоррафия ва перинеография ўтказиш;

- туғрукдан кейинги даврини олиб бориш, туғрукдан кейинги даврда

- ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси (ИЖС) амалиётини бажариш;

- критик ҳолатларни аниқлаш ва олиб бориш;

- беморни бирламчи тез баҳолаш ва тезкор ёрдамни ўтказиш;

-асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш;
 -йўқотилган қон миқдорини аниқлаш (физиологик ва патологик);
 -йўлдош олдда келишини ва НЖЙБКни ташхислаш, олиб бориш ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш;
 -туғруқдан кейинги қон кетишини босқичма-босқич тўхтатиш;
 -йўлдошнинг қўли билан ажратиш ва чиқариш, бачадон бўшлигини қўл билан текшириш операциясини бажариш, қорин аортасини босиш, бачадонни икки қўл билан компрессияни ўтказиш;
 -пастки-ўрта лапаротомия, Джексл-Кохен ва Пфанненштиг бўйича лапаротомия бажариш;
 -3 нафар қон-томирларини боғлаш, Б-Линч бўйича чокларни қўйиш жарроҳлигини бажариш;
 -бачадон ампутация, экстрипация жарроҳлигини бажариш;
 -геморрагик шокка қарши курашиш, гемотрансфузияни бажариш, ТТКИ-синдром профилактикаси ва даволаш;
 -она ва хомила кўрсатмаларига асосан ҳар хил усуллар билан туғруқни индукциялаш (қогонок пардаларини кўчириш; амниотомия ўтказиш, окситоцин ва гландин Е қўллаш);
 -туғруқда оғрикисилантириш, туғруқдан ва жарроҳлигидан кейинги даврда оғрикисилантириш;
 -индуцирланган туғруқни олиб бориш;
 -туғруқдаги хомила боши ва она чаноғини диспропорция ҳолатларини аниқлаш ва олиб бориш;
 -кўпеувиллик ва камсувилликда, йirik хомилада, киндик тизимчасининг тушишида, жинсий аъзолар патологик ўзгаришида, бачадон чандигида, муддатидан ўтган хомилалорликда ва бошқа асоратли омилларда туғдириш;
 -акушерлик қисқичлари, вакуум-экстракция ёрдамида туғруқни тугатиш;
 -хомилани чаноғидан экстракция қилиш;
 -кесар кесил операцияси бажариш;
 -қорин бўшлигини дренажлаш;
 -хомилани емириш операцияси бажариш;
 -акушерлик жарроҳлигида оғрикисилантириш *компетенцияларига эга бўлиши керак.*

3. Асосий назарий қисм

3.1. *Модулдаги маъруза машғулотлари мазмуни ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:*

Модулда маъруза машғулотлари кўзда тутилмаган

- хомилалорларда эндоскопик (амниоскопия, амниоцентез, лапароскопия) текширувларини ўтказиш;
 - текширув натижаларини таҳлил қилиш.

6. Акушерлик амалиётда нурли диагностика

Ротация мақсади: Хомилалорлик ва туғруқдан кейинги даврини патологик ҳолатларини нурли диагностика усуллари орқали ташхислаш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйдоғиларни бажара олиши зарур:

- рентгенологик текширувлар натижаларини таҳлил қилиш;
- КТ, МРТ текширувлар натижаларини таҳлил қилиш.

7. Кичик акушерлик жарроҳлик:

Ротация мақсади: кичик акушерлик жарроҳликлар кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйдоғиларни бажара олиши зарур:

- Амниотомия;
- эпизиотомия, эпизиоррафия;
- перинеотомия, перинеоррафия;
- коллирафия;
- вагиноррафия;
- бачадон ичнини қўл билан текшириш;
- йўлдошнинг қўли билан ажратиш ва чиқариш.

8. Кичик туғдириш жарроҳликлари.

Ротация мақсади: Кичик туғдириш жарроҳликлар кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйдоғиларни бажара олиши зарур:

- хомиланинг ҳолатини туғриловчи жарроҳлиги;
- акушерлик қисқичларини қўйиш;
- вакуум – экстракция бажариш;
- хомилани чаноғидан экстракция қилиш;

9. Кесарча кесил, хомила емириш жарроҳликлари

Ротация мақсади: Кесарча кесил, хомила емириш жарроҳликлар кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйдоғиларни бажара олиши зарур:

- лапаротомияни бажариш;
- қорин бўшлигини дренажлаш;
- кесарча кесил жарроҳлиги;
- йўлдошдан кейинги контрацепцияни қўллаш;
- хомила емириш жарроҳлиги;
- акушерлик жарроҳлигида оғрикисилантириш.

10. Акушерлик ва гинекологик реанимация ва интенсив терапия.

ўлчаш; кўзгуларда текшириш; бимануал текширув, гравидограмма тўлдириш);

- ташқи акушерлик кўрикни ўтказиш;
- хомила вазнини аниқлаш;
- хомилалдорлик ва туғрук муддатини аниқлаш;
- хомилалдорларда патологик ҳолатларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш;
- экстрагенитал касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш;
- антенатал парварлишни ўтказиш;
- туғрукдан кейинги парварлишни ўтказиш;
- бирламчи тез ёрдамни ўтказиш;
- соғлом она-соғлом бола тарзи бўйича тарғибот ишларини олиб бориш.

2. Акушерликда ультратовуш ташхислаш

Ротация мақсади: Фетоплацентар тизим патологиясини ташхислаш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйидагиларни бажара олиши зарур:

- ультратовуш текширув натижаларини таҳлил қилиш;
- таҳминий ташхисни қўйиш;
- хомилани биофизик ҳолатини аниқлаш.

3. Хомила юрак фаолиятини баҳолаш мезони

Ротация мақсади: Хомила юрак фаолиятини баҳолаш, хомиллада патологик ҳолатини ташхислаш ва даволаш, олдини олиш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйидагиларни бажара олиши зарур:

- хомиланинг юрак фаолиятини аускультатив баҳолаш;
- хомиланинг юрак фаолиятини ультратовуш текширув орқали баҳолаш;
- хомиланинг юрак фаолиятини доплерометрия орқали баҳолаш;
- текширув натижаларини таҳлил қилиш;

4. Акушерликда гормонал ва тиббий-генетик текширув мезони

Ротация мақсади: Акушерлик ва перинатологияда гормонал ва тиббий-генетик текширув кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйидагиларни бажара олиши зарур:

- тиббий - генетик текширувлар ўтказиш;
- гормонал текширувлар ўтказиш;
- текширув натижаларини таҳлил қилиш;

5. Акушерлик амалиётда эндоскопик ва функционал диагностика

Ротация мақсади: эндоскопик ва функционал текширув кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйидагиларни бажара олиши зарур:

- акушерликда функционал текширувларини ўтказиш;

3.2. Модоўдаги амалий (семинар) машғулотлари мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий (семинар) машғулотларининг мавзулар рўйхати:

1-мавзу: Акушерлик ва перинатологияда текширув усуллари. Хомила ҳолатини баҳолаш. Антенатал парварлиш.

Хомилани ҳолатини хомилалдорлик ва туғрукда баҳолаш. Хомила юрак фаолиятини баҳолаш, ультратовуш биометрия, хомила биофизик профили, доплерометрия, КТГ; хомилани ҳолатини туғрукда баҳолаш.

Исботланган тиббиёт асосида олиб бориш. Амалиётда қандай яхшилаш мумкин? Бехатар оналик ва эффектив перинатал парварлиш. Керакми ёки ўзгартириш керакми? Антенатал парварлиш. Мақсад. ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган туғруккача парварлиш янги модели. Гравидограмма.

Хомила ўсиши мониторинги. Хомила нуксонларини аниқлаш скрининги. Акушерлик хавфини баҳолаш. Медико-генетик консултациялаш. Гормонал, иммунологик, эндоскопик (амниоскопия, амниоцентез) текшириш усуллари. Хомилалдор ҳолатини яхшилаш бўйича бир қанча профилактик тадбирлар.

2-мавзу: Хомилалдорлик физиологияси ва кечиши. Фетоплацентар тизим. Перинатал хавф омиллари. Плацента дисфункцияси. Хомила ўсиши орқада қолиши синдроми. Хомила ривожланиш аномалияси. Хомила антенатал ўлими. Хомила ноаниқ ҳолати”.

Она – йўлдош – хомила функционал тизимнинг бачадон ичи ривожланиш босқичлари, онтогенезнинг қатгис давлари. Хомилалдорликда организмдаги физиологик ўзгаришлар. Хомила гестацион муддатини аниқлаш. Плацента дисфункцияси (плацентар етишмовчилик). Хомила ўсишичс. Хомила ривожланиш аномалияси. Хомила антенатал ўлими. Хомила ноаниқ ҳолати, интранатал асфикция. Хавф омиллари, олиб бориш тактикаси.

3-мавзу: Туғрук ва туғрукдан кейинги давр физиологияси. Кечиши. Чакалок физиологик давлари. Чакалоқлар шовилнич ҳолатлари ва муаммолари. Чакалоқлар реанимацияси.

Туғрук содир бўлиш назариялари. Прелиминар давр. Бачадон бўйни етилганлигини баҳолаш.

Туғрук давлари. Туғрукни оғриксизлантиниш. Энес билан келиш туғрук механизми. Туғрукни олиб бориш бўйича ЖССТ тавсияси. Шериклик туғрук. Хавфсиз туғрук. Позцияни эркин таллаш. 2-даврдagi позиция.

Кучаникларни бошқариш. 1- ва 2- туғрук даврини олиб бориш. 3-даврни фаол олиб бориш. Партограмма тўлдириш (олиб бориш принциплари, бачадон бўйини очилиши, бош ҳаракати, она ва хомила ҳолати).

Кўкрак сути билан боқил: афзалликлари, 1-марта кўкрак сути билан озниклантириш, баҳолаш, сут бези ҳолати. Она ва чакалок биргалигини таъминлаш. Она ва хомила парварлиши бўйича илмий консултация ўтказиш.

Чакалок тўлик кўриги (босқичлари, соғлом бола орган ва системаларини баҳолаш асосий характеристикаси, антропометрия и онага маслаҳат бериш). Чакалок иссиқлик химояси (иссиқлик занжири, гипотермия ва гипертермия, кичик вазнда туғилган чакалок иссиқлик химояси, иссиқлик занжирини бажариш). Реанимациядан кейинги чакалок парвариши. Кўрак сути билан боқиш. Оксигенотерапия, инфузион терапия. Гемодинамани яхшилаш. Талваса давоси. Касалхонадан чиқариш критериялари. Она ва хомилани туғруқдан кейинги парвариши. Чакалок реанимацияси: ҳолатини баҳолаш, реанимация алгоритми.

Тўсатдан болалар ўлими синдроми. Туғма ривожланиш нуқсонлари, аномалиялари, туғруқ травмалари билан туғилган чакалоклар парвариши. Чакалок нафас бузилишлари, коникарсиз ҳолати белгилари, олиб бориш умумий принциплари, таснифи, мониторинг, парвариши. Касалхонадан чиқариш критериялари. Чакалок ҳолатини баҳолаш.

Шошилинч даво, кам ваздли бола, касаллик бир қанча белгилари. Тутканок ва мушак спазми, летаргия, Глюкоза паст даражаси, қусиш, қорин дам бўлиши, диарея, қон кетиши, туғруқ жароҳатлари. Хомила бачадон ичи инфекцияси, юқши йўллари ва даврлари, диагностика, бола ва она томонидан инфекция хавф факторлари.

4-маву: Хомиладорлар кўнгил айниши ва қусиши. Хомиладорлик ва туғруқ вақтида гипертензив бузилишлар, уларнинг асоратлари.

Хомиладорлар қусишининг этиология ва патогенези, комплекс терапияси.

Кам учрайдиган эрта токсикозлар шакллари, даволаш, профилактикаси.

Хомиладорликдаги гипертензив ҳолатлар таснифи, артериал гипертензиялар критериялари, презклампсия аниқлаш ва ташхислаш, протеинурия критериялари, олиб бориш принциплари, даволаш, профилактикаси.

Тутканок профилактикаси ва даволаш. Туғдириб олишга кўрсатмалар ва усуллари.

Туғруқдан кейинги даврни олиб бериш. ТТИҚИ - синдроми этиологияси, патогенез, клиника ва замонавий даволаш ва профилактикаси.

HELLP синдроми, хомиладорлар ёғли гепатози ва бошқалар.

5-маву: Хомиладорлик ва соматик патологиялар. Антенатал ва постнатал депрессия.

Юрак қон томир касалликлари, хомиладорликни кечиши, орттирилган ва туғма юрак нуқсони, гипертония касаллиги, артериал гипотензия. Варикоз касаллиги. Муддатидан олдин хомиладорликни тўхтатишга кўрсатма.

Жигар касалликлари (гепатитлар, жигар циррози, холестаз ва бошқалар), хомиладорликни кечиши ва олиб бориш тактикаси. Муддатидан олдин хомиладорликни тўхтатишга кўрсатма.

15-маву: Кичик чанок ўсмалари ва хомиладорлик. Она ва перинатал ўлим аудити.

Миома. Кистомалар. Бачадон бўйни раки. Клиника, диагностика, шифокор тактикаси. Хомиладорлик ва туғруқни олиб бориш.

Перинатал ўлим ҳолатини рецензия қилиш. Туғруқ оғир асоратлари ҳолатларига рецензия ёзиш.

Она ўлими ҳолатига рецензия қилиш.

Туғруқдан кейинги депрессия, трагедия ва йўқотиш.

3.2.2. Амалий (семинар) машғулотларини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга илмий унвон (илмий даража)га ва камда 3 йиллик узлуксиз илмий-педагогик (илмий) иш стажига эга бўлган, шунингдек хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражали бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотлар максадни аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда кизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва х.к.

3.2.3. Модулни ўқатиш давомида эгаланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Модул давомида эгаланадиган ротацця ва амалий кўникмалар рўйхати:

1. Онлавий поликлиника

Ротацця макседи: Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шариотларда ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, хомиладорларга бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:

- ОП ва ҚВП да ишни ташкил қилиш;
- хомиладор аёлларга маслаҳат бериш;
- хомиладорларни сўраб-суриштириш (анамнез йиғиш) ва кўздан кечириш;
- бирламчи бўғин шариотига аёлларда кўп қўлланиладиган ташхислаш усулларини қўллаш (хомила аускультацияси; бачадон туби балиқчилигини

Ҳомилдорликни муддатидан ўтиб кетиши (диагностика, сабаблари, туғдириб олиш усуллари).

Туғрук индукцияси. Кўрсатма, қарши кўрсатма, шароитлар, усуллари, бачадон бўйини тайёрлаш. Ҳомила ҳолатини ва асоратларини назорат қилиш. Она ва ҳомила томонидан индукцияланган туғрукка кўрсатмалар (оғир презлампися, бир қанча соматик патология, ҳомила қоникарсиз ҳолати ва бошқалар).

Туғруқни кўзгагиш муддати ва усули. Индукцияланган туғруқни олиб бориш тактикаси, оғриксизлангириш усули. Ҳомила ва она учун туғдириш усулининг натижаси.

Антенатал ҳомила ўлими. Сабаблари. Диагностика. Асоратлар. Антенатал ҳомила ўлимида индукцияланган туғруқни олиб бориш тактикаси. Программалаштирилган туғруқни ўтказиш учун зарур шароитлар ва усуллар.

13-маву: Оператив акушерлик.

Ҳомиланинг ҳолатини тўғриловчи жарроҳлиги (ташки ва ички акушерлик айлантириши), кўрсатма, қарши кўрсатма, шароит ва техникаси, она ва бола томондан бўлиши мумкин бўлган асоратлар.

Акушерлик қисқичларини, кўрсатма, қарши кўрсатма, шароит ва техникаси, она ва бола томонидан бўлиши мумкин бўлган асоратлар.

Вакуум-экстракция, кўрсатма, қарши кўрсатма, шароит ва техникаси, она ва бола томонидан бўлиши мумкин бўлган асоратлар.

Ҳомилани чаноғидан экстракция қилиш жарроҳлиги, кўрсатма, шароит ва техникаси, она ва ҳомила учун асоратлари.

Кесар кесил операцияси, кўрсатма, қарши кўрсатма, шароит ва техникаси. Она ва бола томонидан бўлиши мумкин бўлган асоратлар. Жарроҳликдан кейинги даврни олиб бориш, асоратлар.

Ҳомилани емириш жарроҳлиги, кўрсатма, қарши кўрсатма, шароит ва техникаси, она ва бола томонидан бўлиши мумкин бўлган асоратлар.

Акушерлик жарроҳликда оғриксизлангириш тамойиллари ва усуллари.

Қон тўхтатиш усуллари: бачадон бимануал компрессияси, қорин аортасини босиш. 3 жуфт қон томирларни боғлаш. Ички ёнбош артерияни боғлаш. Бачадон амнутаияси. Бачадон экстирпацияси.

14-маву: Ҳомилдорлик, туғруқда ва туғруқдан кейинги даврда инфекция.

Ҳомилдорлик даврида иситма (цистит, ўткир пиелонефрит).

Сифилис. Гонорейя. Хламидиоз. Бактериал вагинаоз. В туғруқ стрептококклар. Листериоз. Туберкулёз. Вирусли гепатит В. Генитал герпес. ЦМВ. Қизилча. Токсоплазмоз. Малярия. Трихомониаз. Кандидоз.

Туғруқдан кейинги инфекциялар: Классификация, этиопатогенез. Клиник шакллари, диагностика ва даволаш. Кесар кесилдан кейинги акушерлик перитонити. Сепсис ва багтериал токсик шок хусусияти, уларнинг этиопатогенези, клиник кечиши, ташхис, даволаш, профилактика.

Буёрак касалликлари (СЙИ, гломерулонефрит, СТҚ). Ҳомилдорликнинг кечиши ва олиб бориш тактикаси. Туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

Қон касалликлари (камқонлик, Верльгоф касаллиги, Виллбранд касаллиги, лейкозлар ва бошқалар). Ҳомилдорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

Эндокрин касалликлар (семизлик, қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари). Ҳомилдорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

Ҳомилдорликда кўз касалликлари: миопия, глаукома. Диагностика. Клиника. Асоратлари профилактикаси. Ҳомилдорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

Бириктирувчи тўқима касалликлари: Тизимли эритематоз (СКВ). Тизимли склеродермия. Ревматоид артрит. Шегрен касаллиги. Клиник кечиши, диагностика, асоратлари. Ҳомилдорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

Неврологик ва психиатрик касалликлар. Ҳомилдорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

Нафақ сиккишии синдроми: ўткир респиратор инфекция, пневмония, бронхиял астма. Клиник кечиши, диагностика, асоратлари, даволаш ва олиб бориш тактикаси. Ҳомилдорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

Ҳомилдорлик ва ўткир қорин (аппендицит, ўт-тош касаллиги, ўткир ичак тутилиши, туҳумдон кистаси буралиб қолиши, миомагоз туғун некрози, перитонит). Асоратлари. Дифференциал диагностика. Ҳомилдорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

6-маву: Она ва ҳомила иммунологик мос келмаслиги. Ҳомила ва чақалоқ гемолитик касаллиги.

Она ва ҳомила иммунологик мос келмаслиги. Диагностика. Ҳомилдорлик ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатма.

Rh-антигела ва ABO система бўйича ҳомила ва чақалоқ гемолитик касаллиги. Диагностика (ноинвазив усуллари, амниоскопия, амниоцентез, кордоцентез, бажаришга кўрсатмалар), даволаш.

Ҳомила гемолитик касаллигида бачадон ичида ҳомилага қон қуйишга кўрсатмалар, турлар, асоратлари.

Чақалоқ гемолитик касаллигида қон алмаштиришга кўрсатмалар, техникаси, асоратлари.

7 мавзу: ОИВ-инфекция ва ҳомилдорлик.

Юқши йўллари. Хомилалдорликнинг кечилиши ва туғруқни олиб бориш. Муддатидан олдин хомилалдорликни тўхтатишга кўрсатма.
Ретровирус терапия, кўрсатмалар, асоратлари.
Онандан хомиллага ОИВ трансмиссияси. Туғдириб олиш усуллари. Асоратлари.

Чакалоқ парвариши ва озикланиши.
Тиббиёт ходимиغا инфекция ўтишини олдини олиш чора тadbирлари.

8 мавзу: Хомилалдорликни кўтара олмаслик. Муддатидан олдинги туғрук. Муддатидан олдин ва туғруқдан олдин қоғоноқ парда ёрилиши.
Хомилалдорликни кўтара олмаслик этиопатогенези, диагностикаси, даволаши, профилактикаси.
Муддатидан олдинги туғрук, этиопатогенези, диагностика, даволаш, профилактикаси.

Хомилалдорликни кўтара олмасликда истмикоцервикал этишмовчиликни хирургик даволаш усуллари.
Муддатига етмаган хомилалдорликда кесарча кесиш, кўрсатмалар, асоратлари.

Муддатидан олдин ва туғруқдан олдин қоғоноқ парда ёрилиши
Диагностикаси. Хомилалдорлик 34-37-хaftасида ва
муддатига етган ҳолатларда туғруқни олиб бориш тактикаси.
Қам вазн билан туғилган чакалоқ. Чакалоқ нарвариши ва озикланиши.

9 мавзу: Хомилалдорлик иккинчи ярмида, туғруқда ва туғруқдан кейинги даврда қон кетиши. Геморрагик шок ва ТТИҚИ-синдром.
Нормал жойлашган йўлдошни барвақт кўчиши, акушерлик тактикаси ва профилактикаси.

Йўлдош олдида келиши, акушерлик тактикаси ва профилактикаси.

Йўлдош бирикши аномалиялари (йўлдош зич бирикши ва ўсиб кириши), клиник кечилиши, диагностикаси, акушерлик тактикаси ва профилактикаси.

Йўлдош қисмларининг қолиб кетиши ва йўлдош қисилиб қолиши клиникаси, диагностикаси ва шифокор тактикаси.

Атоник қон кетиши клиникаси, диагностикаси ва шифокор тактикаси.

Акушерликда массив қон кетиши сабаблари ва прогностлаш, аёлларда тромбобпатияни прогностлаш.

Геморрагик шок, патогенези, даврлари, диагностикаси, олиб бориш тактикаси.

ТТИҚИ-синдром сабаблари ва унинг ишга солувчи механизми, таснифи, ўтқир ТТИҚИ-синдромни даволаш, клиника, диагностика, акушерлик патологияси характерига мос равишда даволаш; ТТИҚИ-синдром сурункали шакли, диагностика ва терапияси;

Акушерликда массив қон кетишида даволаш муолажаларини ташкиллаштириш.

10 мавзу: Туғруқдаги қонкарсиз жараёнлар. Чанок-бош диспропорцияси. Она травматизми.

Сохта туғрук (диагностика, коррекциялаш усуллари).

Туғрук фаолияти аномалияси: таснифи, диагностикаси, туғруқни олиб бориш тактикаси, асоратлари.

Аёл чаноғи функционал аномалияси: таснифи, анатомик тор чанок диагностикаси. Нормал ва тор чанок турли хил шаклларида туғрук механизми, кечилиши, асоратлари.

Чанок-бош диспропорцияси: таснифи, диагностикаси, туғруқни олиб бориш тактикаси, асоратлари.

Жинсий органлар (оралик, қин ва бачадон бўйни) жароҳатлари, сабаблари, диагностикаси ва даволаш тактикаси.

Бачадон йиртилиши таснифи, клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, прогностлаш. Бачадон йиртилиши хирургик даволаш усуллари ва профилактикаси.

Симфиз очилиши ва ёрилиши клиникаси, ташхис ва даволаш.

Акушерлик оқмалари этиопатогенези, ташхислаш, даволаш ва профилактикаси.

11-мавзу: Бир қанча акушерлик асоратлари ва ҳолатлари: Хомилани нотўғри жойлашиши ва нотўғри келиши. Хомила чанок билан келиши. Елкалар дистоцияси. Киндик халқасини тушиб қолиши. Ўта таранглашган бачадонда ва чандикли бачадондаги туғрук.

Хомила чанок билан келиши диагностикаси, туғрук биомеханизми, клиник кечилиши, туғруқни олиб бориш, Цовьянов, Ловсет, классик қўл билан, Морис-Смелли-Вейт усуллари билан ёрдам бериш. Хомила чанок билан келишида хомилалдорни туғдириб олишга тайёрлаш принциплари.

Йирик хомила ва бошқа хафли омиллар бўлганда биригичи ва қайта туғувчи хомилалдорларда туғдириб олиш тактикаси. Она ва хомила тарафдан асоратлар.

Ўта таранглашган бачадон, диагностикаси, туғруқни олиб бориш тактикаси. Кўпусувчиликда, кўп хомилалликда, йирик хомилада хомилалдорлик ва туғруқни кечилиши, асоратлар.

Хомилани нотўғри жойлашиши ва нотўғри келиши. Хомила кўндаланг ва қийшик жойлашиши. Хомилалдорлик ва туғрук кечилиши асослари, туғдириб олиш усуллари.

Киндик халқасини тушиб қолиши, жинсий аъзолар патологик ўзгаришлари, бачадон чандиғида туғрук.

Елкалар дистоцияси. Диагностика. Ёрдам бериш усуллари. Она ва бола томонидан кузатилиши мумкин бўлган асоратлар, улар профилактикаси. Реабилитация.

12-мавзу: Хомилалдорликни муддатидан олдин тўхтатиш. Туғрук индукцияси. Муддатидан ўтган хомилалдорлик.